

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 37;37. 018.1;371.132

АРИПОВА ГУЛНОРА ШУХРАТУЛЛАЕВНА

**ОИЛАДА ТОЛЕРАНТЛИК ТАФАККУРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ (ЎСМИР ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА)**

13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш
учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2011

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Педагогика ва психология» кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: педагогика фанлари доктори, профессор
Мусурмонова Ойниса

Расмий оппонентлар: педагогика фанлари доктори
Мардонов Шукрулло Қўлдошев
педагогика фанлари номзоди
Абдужабборова Мусаллам Лапасовна

Етакчи ташкилот: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети.

Ҳимоя 2011 йил “_____” _____ куни соат _____ да Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги К.067.44.03 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, Г-9а мавзеси, 21-А уй, тел.: (+99871) 275-77-95, 275-97-95, E-mail: usu-info@edu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (100138, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, Г-9а мавзеси, 21-А уй).

Автореферат 2011 йил «_____» _____ да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби
педагогика фанлари номзоди, доцент

К. Набиева

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик йилларида жамиятимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида туб ислохотлар амалга оширилди. Мазкур ислохотларнинг мақсади миллий маданий қадриятлар ва аجدодлар меросини қайта тиклаш, уларнинг мазмунини келгуси авлодларга етказиш, инсонпарварлик, бағрикенглик тамойиллари асосида баркамол авлодни шакллантириш, кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг тили, урф-одатлари, анъаналари, динидан қатъий назар ўзаро тенглик тамойиллари асосида жамиятни тараққий эттиришдан иборатдир.

Шу сабабли мамлакат тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлигини, ички сиёсий барқарорлик ва миллий ҳафсизликни таъминлашда ёшлар тафаккурида толерантлик мезонларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, ўзбек халқи ўзига хос цивилизация тарихида халқлар ўртасида толерантлик ғояларини тарғиб этиб келган. Шунингдек, халқимиз ўзининг кундалик турмуш тарзида, ахлоқ ва одоб қоидаларида бағрикенглик тамойилларига суянган ҳолда фарзанд тарбиялаган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди...Айни шу заминда кўп асрлар мобайнида жаҳон маданиятлари дунё миқёсида бир-бирини бойитган. Бу ерда кўчманчи халқлар ўтроқ халқлар билан, эронлик қабилалар турк қабилалари билан, мусулмонлар насронийлар ва яхудийлар билан кўп асрлар бирга яшаб келганлар”. Шунга биноан “Мовароуннахрнинг мусулмон маданияти этник сабр-тоқат ва бағрикенглик руҳини ўзида акс эттирди. Унинг идеали – фозил кишилар шаҳри нафақат диний асосда, балки маданий ва ахлоқий негизида ҳам уюшган одамларнинг ҳамжамиятидан иборат бўлганлиги тасодикий ҳол эмас”.¹

Толерантлик (бағрикенглик) тарихий-ижтимоий ва педагогик-психологик категория бўлиб, у давр билан ҳамнафас тарзда мазмунан ва моҳиятан ўзгариб, бойиб ва такомиллашиб боради. Жумладан, мамлакатимиз мустақиллиги йилларида ушбу тушунчанинг мазмун ва моҳияти тубдан ўзгарди. Бу **биринчидан**, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий, маънавий соҳалардаги туб ислохотларнинг амалга оширилиши, жамиятдаги глобаллашув ва постиндустриал ривожланиш; **иккинчидан**, таълим тизимининг ислоҳ қилиниши; **учинчидан**, мамлакатнинг дунё мамлакатлари ва халқлари билан ўзаро дўстона алоқаларининг кенг йўлга қўйилиши; **тўртинчидан**, жамиятни

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари //Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б.528, 530.

ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришни модернизация қилишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ошиб бораётганлиги билан характерланади. ЮНЕСКО ташкилотининг 28 - Сессиясида (16 ноябрь, 1995, Париж) иштирок этган 185 та давлат иштирокчилари ва масъуллари “Толерантлик тамойиллари Декларацияси”²ни имзоладилар. Шунингдек, БМТ томонидан 2003 йил дунё миқёсида халқаро толерантлик йили деб эълон қилинди. 16 ноябрь эса халқаро толерантлик куни сифатида эълон қилиниб, бутун жаҳонда нишонлана бошланди. Шунга кўра, таълим тизимининг барча босқичларида, оила, маҳалла ва ННТлари тарбиявий ишлари мазмунида Ўзбекистоннинг келажаги ҳисобланган ёшлар онги ва тафаккурида толерантликни шакллантириш давр талаби бўлиб қолди.

Маълумки, комил инсон андозаси замирида толерантлик категорияси муҳим ўрин эгаллайди. Файласуф олимларнинг фикрига кўра, толерантлик тафаккурига эгалик, маънавий-ахлоқий сифат бўлиб, у самарали ташкил этилган мақсадли таълим-тарбия жараёнида шаклланади. Толерантлик тафаккурига эгалик индивиднинг шахс сифатидаги тараққиёти ва шаклланиши, унинг гуманитар талаблар асосидаги камолоти, маънавий-ахлоқий етуклиги, цивилизация қадриятлари асосида шакллантирилган кенг дунёқараши, толерантликни қўллай олиш қобилияти, фуқаролик жамияти ҳаётида фаол бўлиш малакалари каби хусусиятларни англатади. Шунингдек, толерантлик тушунчаси негизида - бағрикенглик, маданий ранг-баранглик, ижтимоий тенглик, инсон ҳуқуқлари, диний бағрикенглик, мафкуравий огоҳлик, ўзликни англаш, сахийлик, саховатлилик, бошқаларнинг кўнглини олишга сайи-ҳаракат қилиш, самимийлик, меҳмоннавозлик, тинчликсеварлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, сабрли ва қаноатли бўлиш, ўзгани англаш, дардлашиш, дилдан суҳбат куриш, шу билан бирга бошқа халқларнинг маданияти, тили, анъаналари, урф-одатлари, динини ҳурмат қилиш, уларни асраб авайлаш, оилавий қадриятларни эъзозлаш ва уларни бойитиш, келгуси авлодларга етказиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклиги асосида ҳаёт кечириш ва бошқа маънавий ахлоқий хусусиятлар мужассамдир. Толерантликнинг ушбу мезонлари боланинг ўсмирлик даврида фаол кечади ва унинг асосий пойдевори оилада қўйилади. Шунинг учун ҳам толерантлик ғоялари тарихий характерга эга бўлиб, у оила институти орқали авлоддан авлодга ахлоқ ва одоб меъёрлари тарзида ёшлар онгига сингдириб келинади.

Аммо мазкур муаммо илмий ва ҳаётий нуқтаи назардан долзарб бўлишига қарамасдан у ҳануз педагог олимлар томонидан ўзининг илмий-назарий тадқиқини топгани йўқ. Педагогика фани олдида турган асосий вазифалардан бири ҳам толерантлик тушунчасининг мазмунини илмий педагогик аниқлаш, уни ёшлар онгида шакллантириш механизмини ишлаб чиқиш, фуқаролик жамияти институтларининг бу борадаги имкониятларини белгилаш

² Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. ЮНЕСКО ваколатхонаси нашри. Нашр учун масъуллар: А.Саидов, К.Жўраев.-Т.: 1999;

ҳисобланади. Ушбу ҳолатлар тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида толерантлик муаммоси файласуф, сиёсатшунос, тарихчи, социологлар томонидан ўрганила бошланди. Жумладан, толерантликнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий категория сифатидаги замонавий илмий мазмунининг баъзи қирралари ўзбек олимларидан М.Шарифхўжаев, З.Исломов, М.Раджабова, З.Қодирова, М.Ҳожиёва, Д.Алимова, О.Отамирзаев, В.Гентшке, Р.Муртазаева, Ҳ.Бобоев, З.Ғофуров, М.Смирнов, Н.Жўраев, Э.Каримова, А.Тиксанов, Т.Тошлонов, Н.Эшонқулов, А.Шарипов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилди.

Ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида “комил инсон” қилиб тарбиялаш толериантликнинг яхлит андозаси ҳисобланади. Ушбу муаммонинг турли қирралари педагог олимлар М.Очилов, О.Мусурмонова, С.Нишонов, Н.Ортиқов, М.Қуронов, Ш.Э.Қурбонов, У.Маҳкамов, Сафо Очил, З.Исмаилова, Г.Ибрагимова, Ш.Мардонов ва бошқалар томонидан илмий назарий жиҳатдан ўрганилди.

Оила ҳамда оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси, ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида ҳаётга тайёрлаш, нотўлиқ оилаларда бола тарбияси каби масалалар педагог олимлар О.Тўраева, О.Хасанбоева, А.Мунавваров, М.О.Иномова, О. Мусурмонова, М.Маҳмудова, Ю.Шаамирова, Д.Холиқов, Ш.Шодмоновлар томонидан тадқиқ этилди.

Психолог олимлар Ғ.Б.Шоумаров, Н.Соғинов, В.Каримова ва бошқалар томонидан оиладаги психологик муҳит илмий психологик жиҳатдан тадқиқ этилган.

Россия олимлари томонидан оилада толерантлик тафаккурини шакллантириш муаммоси илмий йўналиш сифатида педагогика фанига киритилди. Н.Б.Агабаян, Э.Н.Якубов, М.И.Рожков, М.А.Ковальчук, Л.И.Антонова, Н.А.Цветкова, В.М.Куницина, Н.Л.Оконешникова, Н.А.Саблина, И.С.Якиманская, Л.А.Шкатова, Э.Соколова, каби педагог олимларнинг тадқиқот ишларида жамиятда ижтимоий инқироз ва зиддиятларнинг олдини олишда оилада толерантликни шакллантиришнинг роли, нотўлиқ оилаларда толерантликни тарбиялаш муаммолари, толерантликнинг оилавий зиддиятлардан муҳофазаланишдаги аҳамияти, оилада толерантликни шакллантириш методикаси, таълимнинг дунё маданияти ва толерантлигида тутган ўрни каби масалалар тадқиқ этилди.

Ўзбекистон педагог олимлари томонидан ҳам толерантлик мавзусига оид дастлабки тадқиқотлар юзага келди. Жумладан, Г.Р.Ақромова, Г.Қўшоқоваларнинг тадқиқотларида бошланғич синф ўқувчиларида толерантлик тушунчаларини шакллантиришнинг дидактик асослари ҳамда талаба-ёшларда толерантликни тарбиялаш масалалари илмий ўрганилди.

Маълумки, толерантлик тушунчаси дастлаб оилада болалар онгига сингдирилади. Лекин, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида фуқаролик жамияти институтларининг мамлакат тараққиётидаги ўрни ошиб бораётган, оила муаммоси давлат сиёсати даражасига кўтарилган, кўп миллатли халқлар

ўртасидаги тинчлик, осойишталик, ҳамфикрлилик ва ҳамкорлик, маданиятлараро ўзаро таъсир масаласига эътиборнинг кучлилигига қарамасдан толерантлик муаммоси илмий педагогик жиҳатдан яхлит тизим тарзида махсус тадқиқ этилмаган. Шу боис, **“Оилада толерантлик тафаккурини шакллантириш (ўсмир ёшдаги болаларда)”** муаммоси илмий тадқиқот мавзуси этиб танланди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг ДИТД-3. “Ёш авлодни тарихий, миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялаш, таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимида юқори малакали, шунингдек, бошқарув кадрларни тайёрлаш муаммоларини тадқиқ этиш” дастури доирасида бажарилган «Соғлом авлодни тарихий, миллий ва умуминсоний кадриятларни уйғунлаштириш асосида тарбиялашнинг илмий-педагогик асослари» номли лойиҳаси асосида амалга оширилди.

Тадқиқот мақсади: оилада толерантлик тафаккурини шакллантириш (ўсмир ёшдаги болаларда)нинг яхлит тизимини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлик даражасини оширишга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар яратиш.

Тадқиқот вазифалари:

- муаммони илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантириш долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш;
- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг амалиётдаги ҳолатини ўрганиш;
- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шаклланганлик даражасини белгиловчи мезонларни ишлаб чиқиш;
- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг мазмуни, самарали шакл, метод ва воситаларини тажриба-синов ишлари воситасида аниқлаш;
- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг самарадорлик даражасини аниқлаш ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантириш жараёни.

Тадқиқот предмети: оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот мавзуси бўйича фалсафий, психологик-педагогик, тарихий, ижтимоий-сиёсий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатиш, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, ижтимоий сўров (сухбат, сўровнома, интервью, тест), моделлаштириш, математик-статистика, натижаларни умумлаштириш.

Тадқиқотнинг методологик асоси: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг жамиятни

ижтимоий-иқтисодий юксалтириш, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялашга оид ғоялари, таълим-тарбия самарадорлигини оширишга оид давлат сиёсати, Ўзбекистон Парламенти томонидан қабул қилинган мавзуга доир Қонунлар ва қарорлар, шунингдек, етакчи олимларнинг мазкур муаммога доир фикрлари.

Тадқиқотнинг илмий фарази: агар:

- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантириш педагогик жиҳатдан асосланиб, унинг амалиётдаги мавжуд ҳолати конструктив таҳлил қилинса, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилса;

- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантириш бўйича миллий ва хорижий тажрибалар ўрганилиб, таҳлил қилинса, умумлаштирилса ва такомиллаштирилса;

- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг самарали шакл, метод ва воситаларидан унумли фойдаланилса;

- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг яхлит педагогик андозаси яратилса ва у амалиётга татбиқ этилса;

- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шаклланганлик даражасини белгиловчи мезонлар ишлаб чиқилса;

- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантириш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи илмий-методик тавсиялар яратилса, оилада ўсмирлар толерантлик тафаккурини шакллантиришда юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- муаммони илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги;

- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг амалиётдаги ҳолати;

- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шаклланганлик даражасини белгиловчи мезонлар;

- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг мазмуни, самарали шакл, метод ва воситалари;

- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг самарадорлик даражаси.

Ишнинг илмий янгилиги:

- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантириш муаммоси илк бор илмий педагогик муаммо сифатида тадқиқ этилди;

- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг амалиётдаги ҳолати ўрганилди;

- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шаклланганлик даражасини белгиловчи мезонлар ишлаб чиқилди;

- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг мазмуни, самарали шакл, метод ва воситалари тажриба-синов ишлари воситасида аниқланди;

- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг педагогик андозаси яратилди;

- оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг самарадорлик даражаси аниқланди ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот босқичлари: Тадқиқот ишлари уч босқичда олиб борилди.

Биринчи босқич (1999-2002) *назарий* босқич бўлиб, иш жараёнида мавжуд илмий-методик адабиётлар ўрганилди, назарий хулосалар чиқарилди ва амалиётдаги ҳолати диагностика қилиниб, тадқиқот дастури ишлаб чиқилди, тажриба-синов ўтказиш шарт-шароитлари ва муассасалари белгиланди.

Иккинчи босқич (2003-2006), *экспериментал* босқич бўлиб, белгиланган тадқиқотнинг назарий-методологик тамойиллари ва педагогик эксперимент ўтказиш базасида тажриба-синов ишлари ўтказилди, толерантликни шакллантиришнинг педагогик андозаси амалиётга жорий этилди.

Учинчи босқич (2006-2009), *умумлаштириш* босқичи бўлиб, унда ўтказилган ижтимоий-педагогик тажриба-синов натижалари назарий ва амалий жиҳатдан умумлаштирилди, ота-оналар, болалар муассасалари раҳбарлари, тарбияловчилар учун педагогик тавсиялар ишлаб чиқилди, олинган илмий-амалий натижалар диссертация шаклида расмийлаштирилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантириш тушунчасининг илмий-педагогик тавсифи, унинг илмий дефиницияси ишлаб чиқилганлиги ҳамда ўзига хос хусусиятларининг белгиланганлиги, толерантлик ғояларини ёш авлод тафаккурига сингдиришнинг педагогик андозаси, шунингдек, самарали шакл, метод ва воситаларининг аниқланганлиги билан характерланади. Шунингдек, олға сурилган назарий ғоялар, хулоса ва тавсиялардан умумий таълим мактабларида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар фанлар мазмунини такомиллаштиришда, оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлигида маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишда, фуқаролик жамияти институтлари таълим-тарбия мазмунини бойитишда, самарали иш шакл, метод ва воситаларини қўллашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ҳаққонийлиги ва асосланганлиги. Тадқиқот иши мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялашга оид давлат сиёсатига мослиги; амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижаларининг самарадорлиги; танланган илмий-тадқиқот метод, шакл ва воситаларининг мавзуга мослиги; олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили натижаларининг кўрсаткич даражаси юқорилиги; диссертацияда олға сурилган илмий ғоялар, хулоса ва тавсияларнинг диссертант томонидан чоп этилган илмий мақолалар ҳамда монография, республика ва халқаро илмий анжуманларда қилинган маърузалар мазмуни орқали кенг илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги билан диққатга сазовордир.

Натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши. Тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳрининг 13, 20, 40, 69, 193, 228 - умумий таълим мактабларида, Тошкент шаҳрининг (Беруний, Миришкор, Шарқ Юлдузи, Нодирабегим, Тинчлик, Гулистон, Хадра, Бодомзор, Туркистон, Донишманд маҳаллалари) 500 та оиласида ўтказилди. Тадқиқотга 1200 ўсмир ёшли болалар ва “Камолот” ЁИХ фаолларидан 520 мутахассис жалб этилди. Тадқиқотнинг асосий ҳолатларидан ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантириш борасида оилаларда, маҳаллаларда ҳамда умумий таълим мактабларида таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилиб, улардан самарали фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Педагогика ва психология» кафедрасида (09.04.2010), ЎзДЖТУ ҳузуридаги К.067.44.03 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда (09.09.2011) муҳокама қилинган. Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика “Болалар”, “Маҳалла” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, ТКТИ (2008-2009 йиллар), Россия - Пятигорск (2010 йил), Туркия – Истанбул (2010 йил), ЎзДЖТУ (2010 йил), Тошкентда ўтказилган халқаро ва Республика илмий-амалий, илмий-назарий анжуманларида маърузалар ўқиш, “Халқ таълими”, “Бошланғич таълим”, “Молодой учёный” журналларида илмий мақолалар эълон қилиш, шунингдек, “Оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг педагогик асослари” номли монография чоп этиш орқали оммалаштирилди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг мазмуни, олинган хулоса ва натижалар 1 та монография, 3 та халқаро ва республика илмий методик журналлари, 6 та илмий тўпламларда чоп этилган мақолаларда ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 168 бетни ташкил қилади. Асосий мазмуни 145 бетда ўз аксини топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, илмий фарази ва янгилиги, методлари, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқотнинг методологик асоси ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Оилада ўсмирлар толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланади. Мазкур бобда оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантириш муҳим педагогик муаммо эканлиги, ушбу масалага турлича ёндашувлар замирида асосланади. Мазкур муаммо тарихий-

педагогик жиҳатдан таҳлил килинади, ривожланиш тенденциялари илмий-назарий асослаб берилади ҳамда амалиётдаги мавжуд ҳолати таҳлил этилади.

“Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади.”³ Толерантлик оилавий қадриятлар ичида муҳим ўрин эгаллайди. У фақат мақсадли ташкил қилинган педагогик муҳит ва жараёнда шаклланади. Шу боис, толерантлик нафақат ижтимоий, балки педагогик ҳодиса ҳисобланади. Оила - боланинг илк маънавий қадриятлари, шу жумладан толерантлик тафаккури шакллантириладиган педагогик макон ҳамдир.


Толерантлик ижтимоий-тарихий ҳамда психологик-педагогик категориядир. Толерантлик тафаккурига эгалик – индивидуумнинг шахс сифатидаги тараққиёти, унинг инсонпарварлик талаблар асосидаги камолоти, маънавий-ахлоқий етуклиги, эстетикаси, цивилизация қадриятлари асосида шакллантирилган кенг дунёқараши, толерантликни қўллай олиш қобилияти, фуқаролик жамияти ҳаётида фаол бўлиш малакалари каби хусусиятларни англатади ҳамда у маънавий-ахлоқий сифат ҳисобланади.

Толерантлик – инсон индивидуаллигига хос бўлган инсонпарварлик, меҳр-мурувват, ўзгаларни ҳурматлаш ва эъзозлаш, бировларга зарар етказмаслик, кечиримли бўлиш, барқарорлик, тинчлик ва тотувликка асосланиб ҳаёт кечириш каби фазилатларнинг мажмуи бўлиб, жамиятда инсон уларни очиқ намоён қила олиш қобилиятига эга бўлмоғи лозим.

Толерантлик масаласи ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари учун хос характерга эга бўлиб, унинг тарбия объекти шахсдир. Жумладан: толерантлик ва таълим-тарбия; толерантлик ва оила; толерантлик ва дин; толерантлик ва маҳалла; толерантлик ва ахлоқ; толерантлик ва ҳавфсизлик; толерантлик ва миллий ғоя; толерантлик ва маданият; толерантлик ва миллий маданият ўзига хослигини сақлаб қолиш; толерантлик ва ҳуқуқ; толерантлик ва илм-фан; толерантлик ва гендер муносабатлар; толерантлик ва социум ҳаёти; толерантлик ва жамият; толерантлик ва ижтимоий табақаланиш; толерантлик ва ёшлар; толерантлик ва ногиронлар; толерантлик ва қариялар; толерантлик ва кам сонли миллатлардан иборат.

Оилада толерантлик даражаси икки асосий кўрсаткич: анъанавий толерантлик ҳамда, замонавий толерантлик тушунчалари асосида намоён бўлади. Шунингдек унинг намоён бўлиш қамрови **кичик макон** (ота-она, ака-ука, опа-сингил, бобо-буви) ва **катта макон** (яқин ва узоқ қариндош уруғлар) тарзида акс этади. Оилада ўсмирларда толерантлик тафаккурини шакллантиришда икки асосий потенциал мавжуд бўлиб, у - ота-она шахсияти ва ибрати ҳамда боланинг ўзидаги ўз шахсини шакллантиришга қаратилган ўсиш ва бунёдкорлик истагидан иборатдир. Ўсмирда толерантлик тафаккурини ўзига хос бўлган институтционал ва функционал тизим асосида шакллантирилади (1-расм).

³ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Олий мажлиси IX сессиясида сўзланган нутқи. -Т.: Шарқ, 1997, - Б. 4.



1-расм. Оилада ўсмирлар толерантлик тафаккурини шакллантириш андозаси

Толерантлик тарбиявий нуқтаи назардан ўз ҳуқуқ ва озодликларини ўзгаларга зиён етказмаган ҳолда сақлаб қолиш демакдир. Шу билан бирга, толерантлик ўзгаларга бўйсунтириш, ўзлигидан воз кечиш бўлмай, балки фаол ҳаётий позицияда бўлиш демакдир. Аммо мана шу фаол ҳаётий позиция агрессия ва тазйиқ билан эмас, балки ўзгалар ҳуқуқларига ҳурмат ва англаш жараёнида аниқ, тўғри, очиқ баён қилинади. Бу жараён ҳар икки томон учун ҳам компромислар жараёни ҳисобланади. Бу ўсмир ёшдаги боланинг

психологик ва ёш хусусиятлари учун муҳим аҳамият касб этади. Компромисга бора олмайдиган инсон – толерант инсон ҳисобланмайди.

Толерантликнинг қуйидаги босқичлари мавжуд:

Тан олиш – бошқа инсонда айнан бошқа инсонни кўра билиш, бошқа инсоннинг эса ўз қадриятлари, фикрлаш тарзи, тафаккури, характери, ақидалари, эътиқоди, маданияти, урф-одатлари, мантиқи ва масъуллиқ даражаси борлигини назарда тутиш ва тан олиш; **Қабул қилиш** – мана шу ўзга инсонларнинг ўзига ҳослигига нейтрал муносабат кўрсата олиш, уларнинг борлигини қабул қилиш, инсонлараро мавжуд фарқларга ижобий ва тўғри муносабат кўрсата олиш; **Тушуниш** – ўзга инсонни ичдан кўра билиш, унинг фикрлари, ҳиссиётларини кўра олиш, уни англай билиш, унинг ҳиссиётларига икки мавқе, ўз шахсий мавқеи ва ўзга инсон мавқеи нуқтаи назаридан қарай олиш, муаммоларни шу позициядан ечишга интилиш, компромиссларга тайёрлик.

“Толерантлик тамойиллари Декларацияси”да таъкидланганидек: “таълим ва тарбия толерантлик тафаккурининг ўрнатилишида энг самарали йўл ҳисобланади”. Толерантлик тафаккурини шакллантириш жараёни аввало оилада самарали кечади. Ушбу жараённинг фаол объекти эса ўсмирлар ҳисобланади.

Мазкур тизимдаги ҳар бир бўғиннинг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги ўсмир ҳаёти ҳамда толерантлик тафаккури шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Бу жараённинг сифат кўрсаткичига таъсир этувчи омиллар эса тарбия, муҳит, имконият, ота-она, ўқитувчи-тарбиячи, кенг жамоатчилик, матбуот, ОАВ лари, ҳаётда бўлаётган воқеа ва ҳодисалар, таълим ва тарбиянинг самарали шакл, метод ҳамда воситалари ҳисобланади. Ўсмир қизиқиши, дунёқараши, ҳаётий идеали, воқеа ва ҳодисаларга нисбатан шахсий муносабати, психологик хусусиятлари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шунингдек, оилада бу жараённи авторитар тарзда бошқариш ижобий самара бермайди. Балки бу жараёнда ота-она “ота-она”, “устоз”, “шогирд”, “ўқувчи”, “дўст”, “маслакдош”, “сирдош” ролида ўзини намоён этмоғи лозим. Оилада ушбу йўналишда олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишларнинг мақсадли ва режали амалга оширилиши, натижалар самарадорлиги эса доимий мониторинг қилиниши, ота-оналарнинг мазкур муаммо бўйича билим даражаси муҳим аҳамиятга эгадир.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Оилада ўсмирлар толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг мазмуни, самарали шакл ва методлари”**га бағишланган. Оилада ўсмирлар толерантлик тафаккурини шакллантиришда ота-оналарнинг илмий-назарий билим даражаси, толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг мазмуни, самарали шакл, метод ва воситалари ҳамда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигининг педагогик шарт-шароитлари ёритилган.

Агар толерантликни оилада, бир тарафдан ота ва она, иккинчи тарафдан, болалар нуқтаи назаридан, уларнинг ўзаро муносабатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилса, *толерантлик ота-она ва болаларнинг ўзаро бир-бирини мутаносиб англаш, қабул қилиш, тушуниш жараёни бўлиб, бундай*

муносабатлар ўзаро чуқур ҳурмат, иззат, эҳтиром, меҳр, ёрдамга тайёрлик, ҳомийлик асосига қурилади. Аммо бу жараёнга ҳомийлик катталар томонидан ҳам, кичиклар томонидан ҳам ҳар иккала томоннинг қарашлари, манфаатлари, қизиқишлари, фикри, қарори, позицияси, сайи-ҳаракатларини ҳурматлаш ва англашга уриниш асосига қурилган бўлиши талаб этилади.

Тадқиқотлар самарадорлиги оилалардаги маънавий муҳит характерига кўра тоифаларга ажратилган ҳолда ўтказилиши самарали кечими ўз исботини топди. Жумладан, биз оилаларни тўрт гуруҳга ажратдик: (1) оилавий муҳит тинч ва тотувликка асосланган ва болалар манфаатлари инобатга олинади; (2) зиддият мавжуд бўлмаган, аммо болалар манфаатлари эътиборга олинмайди; (3) ота ва она ўртасида зиддият мавжуд бўлган, аммо бола манфаатлари инобатга олинади; (4) оилада ота ва она ўртасида конфликт мавжуд ва бола манфаатларига эътиборсиз.

Тадқиқотлар тинч ва тотув ҳамда болага эътиборли оилаларда ўсмирларда толерантлик тафаккури даражаси юқори бўлишини кўрсатди.

Тажриба-синов ишлари мазмуни қуйидаги йўналишларга асосланган ҳолда ташкил этилиши кутилган натижани беришини исботлади. Яъни:

- бошқа инсонларнинг фикрлари, қарашлари ҳамда маданиятига очиклик ва англаш билан муносабат билдириш, дунё ва маданиятлар ранг-баранглигини қабул қилиш;

- ўзгаларга нисбатан зўравонлик, тазйиқ, босим ўтказишлардан воз кечиб яшаш, зиддият ва конфликтларда уларни тинч йўл билан ҳал этишга ўрганиш;

- ўзгаларга ҳурмат ва эътибор билан қараш, оила ва жамиятда ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, тотувлик асосида ҳаёт кечирishга ўрганиш.

Оилада ўсмирлар толерантлик тафаккурини шакллантириш: **субъектлик** (ҳар бир оила аъзоси мустақил субъект сифатида баҳоланади); **адекват, мутаносиб муносабат** (педагогик жараёнда унинг мазмуни ва танланган педагогик воситалар, шакл ва усуллар ўртасидаги мутаносиблик мавжудлиги); **индивидуализация** (оилада индивидуал шарт-шароитнинг белгиланиши); **рефлексив муносабат** (оилада муайян аҳамиятга эга бўлган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан анланган муносабатларда умумийлик, ўхшашликни шакллантириш); **толерант муҳитни қуриш** (оила аъзоларидан педагогик жараёнга тайёрлик ва уни ташкил қилишда фаоллик кўрсатиш) каби тамойиллар асосида амалга оширилади.

Тадқиқотда ўсмир болаларда толерантлик тафаккури мезонларини шакллантириш бўйича ёш нуқтаи назаридан тасниф қилиш мақсадга мувофиқ: **10 – 11 ёшдаги болаларда** - каттага ҳурмат, кичикка иззат, қайғуриш, меҳр, ёрдамга тайёрлик, меҳнатдан қочмаслик, қарияларга ёрдам бериш, раҳмдиллик, кўнгли очиклик каби фазилатларни тарбиялашга урғу бериш; **12 - 13 ёшдаги болаларда** - юқоридаги фазилатлар қаторида болаларнинг бир-бирларини англаш ва тушунишга ҳаракат қилиши, бошқаларнинг қараши ва нуқтаи назарини эшитиш ва ҳурмат қилиш, зиддиятли вазиятларни таҳлил қила олиш ва улардан чиқиб кетиш усуллари билиш, бошқа миллат, элат ва халқлар маданияти, урф-одати, кундалик турмушига қизиқиш, оила анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари, ахлоқ-одоб қоидаларига риоя

этиш; **14 - 15 ёшдаги болаларда** - юқоридаги фазилатлар билан бир қаторда боланинг фаол шахсий нуктаи назарини шакллантириш, миллатлар ва маданиятлар ранг-баранглигини қабул қилиш, турли одамлар ва маданиятлар ичида фаол яшашни ўрганиш, ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига қўшимча равишда бошқаларнинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлари борлигини англаш, фаол яшашга амалий жиҳатдан ўргатиш.

Оилада ўсмирлар толерантлик тафаккурини шакллантиришда **толерантлик объектини адекват интерпретациялаш ва толерантлик мазмунини тўлақонли шакллантириш методлари** муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўсмирнинг ёш ва шахсий хусусиятларига кўра оилада толерантликнинг куйидаги ахлоқий-маънавий қирраларини шакллантиришга алоҳида эътиборни қаратмоқ зарур: **компромис, зўравонлик ва тазйиқдан воз кечиш, ўзини тута билиш, томонларни ҳеч қачон айбламаслик, нейтралитет, одамларга муносабат билдирганда эмоционал кўрлик, меҳрли муносабат тарафдори бўлиш, мулойимлик ва ҳалимлик.**

Оилада ўсмирлар толерантлик тафаккурини шакллантиришда оила аъзоларининг: ҳамкорликдаги интеллектуал, эмоционал, меҳнат ва амалиётда ўзаро тушуниш, мулоқот, бир-бирини англаш, фаолиятни баҳолаш муҳим педагогик талаб ҳисобланади.

Оилада боланинг эмоционал, ахлоқий ва интеллектуал тарбияси *шахсий ибрат, айтилган сўз, шахсий муносабат, шахсий фикр, амалий иш, бажарилган меҳнат, ҳамкорликдаги мулоқот ва баҳс, мунозара, муҳокама, турли оилавий тадбирларни уюштириш, ўзаро кўмак, ўзгаларни англаш тажрибаси* в.б. лар орқали шакллантирилади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича оилада ўсмирлар толерантлик тафаккурини шакллантириш самарадорлиги ота-оналарнинг педагогик қобилияти билан чамбарчас боғлиқ.

Яъни, ота-она шахсияти ва унинг ижобий намоён бўлиши; ота-онадаги юксак ахлоқийлик ва маънавият; ота-онадаги ижобий ҳаётий тажрибанинг мавжудлиги; ота-онадаги етарли педагогик билим ва малакаларнинг мавжудлиги; ота-онадаги турли вазиятларга нисбатан танқидий муносабатнинг мавжудлиги муҳим рол ўйнайди.

Шунингдек, ота-онанинг **педагогик маданиятига хос бўлган:** нутқ ва ахлоқ маданияти; коммуникативлик; креативлик; перцептивлик; ташкилотчилик; рефлексивлик каби тамойилларнинг роли каттадир.

Оилада ўсмирлар толерантлик тафаккурини шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Биз тадқиқотлар жараёнида ушбу тизим ҳамкорлиги андозасини аниқлашга муваффақ бўлдик (2-расм).

№	Таълим ва тарбия институти	Толерантлик хусусиятлари	Шахсни шакллантиришдаги роли
1	ОИЛА	Меёр ва мурувват, адолат, кечиримли бўлиш, зўравонликдан Ўочиш, самимийлик, ишонч, каттага Ўурмат, кичикка иззат, ЎайЎуриш, ёрдамга тайёрлик, меЎнатдан Ўочмаслик, Ўарияларга ёрдам бериш, раЎмдиллик, кўнгли очиЎлик, англаш ва тушунишга Ўаракат Ўилиш Ўўникмалари, бошЎа одамнинг Ўараши ва нуЎтаи назарини эшитиш ва англаш, уни Ўабул Ўилишга уриниш, конфликт вазиятларни таЎлил Ўила билиш ва улардан чиЎиб кетиш усуллари билиш, бошЎа миллат, элат ва халЎлар маданияти, урф-одати, кундалик турмушига ЎизиЎишни кучайтириш, улар ЎаЎида маълумотларни йиЎиш, фаол шахсий нуЎтаи назарини шакллантириш, конфликтлар ечимига ўрганиш	<i>Болани очиЎ ва самимий мулоЎот олиб боришини таъминлайди, унинг муомала Ўилиш кўникмалари билан Ўуроллантиради, боланинг бошЎалар дарди ва ёрдамга муЎтожлигини ҳис Ўилишга ўргатади, муЎтожларга нисба-тан раЎмдил муно-сабатни шакллантира-ди, болани кек саЎлаш, ўзини катта тутишдан саЎлайди, бошЎалар урф ва одатларини Ўурматлашга ўргатади, ўзини тенг тутишига кўмак беради, болани зиддиятлардан асрайди</i>
2	МАКТАБ	Фобия, ксенофобия, экстремизм, радикализм, маданий диалог, полимаданият, мономаданият, олам ва дунёнинг маданий бойликлари, инсоният тарихидаги цивилизациялар, диний эътиЎод ранг-баранглиги, миллий ранг-баранглик, оламнинг табиий ва ижтимоий ранг-баранглиги, миллатлар ва маданиятлар ранг-баранглигини Ўабул Ўилиш, турли хилдаги одамлар ва маданиятлар ичида яшашни ўрганиш, ўзининг ЎуЎу ва мажбуриятларига Ўўшимча равишда	<i>Болада ижтимоий фаолликни кучайтиради, ижтимоий Ўодисаларга тўЎри баЎо беришни таъминлайди, маданий ва табиий ранг-барангликни илмийлик, тарихийлик ва эмоционал ҳис Ўилишга ўргатади, бошЎа миллатлар билан мулоЎотни тўЎри Ўилишини таъминлайди, болани ижтимоий муЎитга кўникиши ва яшашини</i>

		бошқаларнинг ҳам қуқу ва мажбуриятлари борлигини англаш, ўзга миллат вакили билан мулоқот қила олиш қобилиятини шакллантириш, болани мураккаб тузилишли дунёда фаол яшашга амалий жиҳатдан ўргатиш.	<i>таъминлайди.</i>
3	МАҲАЛЛА	Диний ақидапарастлик, диний риёкорлик, ислом экстремизми, турли ёт гуруҳлар, турли қоявий ва мафкуравий таъдидларга қарши собитлик, маҳалла орқали болани ижтимоийликка ўргатиш, жамоа бўлиб яшаш қадриятларни эъзозлаш, маҳалла тадбирларида фаол бўлиш, қашарлар, тўй-қашамларга бориш кўникмаларини эгаллаш, “айрилганни бўри ер” мазмунини англаб етиш в.б.	<i>Болада ижтимоий фаолликни мустақкамлайди, уни жамоа фикри билан уйқунлашишини кучайтиради, ўзгалар манфаатларини кўриш ва англашга ўргатади, биргалик ва ҳамжиҳатликка ўргатади.</i>

2-расм. Оила, мактаб ва маҳалла тизимида ўсмирлар толерантлик тафаккурини шакллантириш андозаси

Ўсмир ёшдаги болалар толерантлигини шакллантиришда қуйидаги тарбиявий воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди:

а) оиладаги толерантлик шахсий толерантлик ва жамиятдаги толерантлик жараёнларига қандай таъсир кўрсатишини кенг ва амалий мисоллар билан тушунтириш;

б) атоқли кишилар, алломалар, бадий асарлар ва кино фильмлар қаҳрамонлари ҳаётидан олинган далиллар орқали толерантлик ғояларини тарғиб қилиш;

в) халқ оғзаки ижоди намуналари, миллий қадриятлар тизими ва ислом дини, бошқа динлар тарихида толерантлик бўйича билдирилган фикрларни тушунтириш ва тарғиб қилиш;

г) оилавий удумлар ва анъаналар тизимида толерантлик ғояларини болалар тафаккурига сингдириш, уларнинг толерантлигини кучайтириш ва такомиллаштириш;

д) ота-оналарнинг толерантлик борасидаги билим ва малакаларини кучайтириш, улар учун маҳаллада махсус семинар-тренинглар ташкил қилиш.

Маҳалла тизими орқали оила ва болалар толерантлигини шакллантиришда махсус дастурлар ва иш режаси орқали фаолият юргизиш

самарали натижаларни беради. Маҳалла бундай тадбирларни ўтказишда жамоа орасидаги қизиқишни ва ихтиёрий тарздаги манфаатдорликни ҳисобга олиши зарур бўлади. Мана шундай тарзда оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги ўрнатилганда педагогик иш фаолиятининг самарадорлиги оширилади.

Шу боис, мактаб ва маҳалла тизими орқали оиладаги ўсмир ёшдаги болалар толерантлигини шакллантириш фаолиятини қуйидаги индивидуал ва оммавий тадбирлар орқали олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Оммавий, гуруҳлар билан ишлаш, якка тартибда ишлаш, оилалар билан махсус ишлаш каби турларда Олмазор (собик Собир Раҳимов) тумани *Беруний ва Аллон*, Бектемир тумани *Зилола ва Миришкор*, Миробод тумани *Парвона ва Шарқ Юлдузи*, Мирзо Улуғбек тумани *Феруза ва Нодирабегим*, Сергели тумани *Иттифоқ ва Тинчлик*, Чилонзор тумани *Гулистон ва Беишқўрғон*, Шайхонтоҳур тумани *Ўрда ва Хадра*, Юнусобод тумани *Бодомзор ва Адолат*, Яккасарой тумани *Туркистон ва Ракат*, Ҳамза тумани *Донишманд ва Жарқўрғон* маҳаллаларидаги оилаларда тарихий, маънавий-маърифий, диний-маърифий, этик-эстетик, тиббий-психологик йўналишларда “Ислом тарихи тўғараги”, “Китобхонлар оиласи”, “Сиз сўранг, биз жавоб берамиз” қутичалари, “Энг маърифатли ва билагон имом хатиб” танловлари, “Маҳалла – толерантлик ўчоғи”, “Маҳалла демократия дарсхонаси”, “Маънавий ва маърифий, мафкуравий соғлом инсон”, “Эътиқод эркинлиги”, “Диний бағрикенглик ва тотувлик асослари”, “Бузгунчи ва ёт ғоялардан ўзини асраш, соғлом мафкуравий ғоялар тизими”, “Ёшларга қаратилган турли таҳдидлардан асраш кўникмаларини тарғиб қилиш”, “Ёшлар зарарли одатларларга қарши” “Фуқаролик байрами”ни ташкил қилиш, “Менинг оилам янги анъаналари”, “Мен кимман ва кимга керакман?”, “Диний экстремизм таҳдиди”, “Диний эътиқод нима?”, “Менинг ҳаётимда диний эътиқод ўрни”, “Мен нима учун рўза тутдим”, “Оиладаги мажбуриятлар”, “Туноҳ ишлар чин инсонга ярашмайди”, “Мен ва жамият: биргаликда келажак сари”, “Менинг ижтимоий мажбуриятларим”, “Мен – фуқаро бўлганимда”, “Она ватаним – жону таним» мавзуларда олиб борилган семинар-тренинглар, давра суҳбатлари, ўзаро мулоқотлар, мутахассислар билан махсус учрашувлар, ибратли оилалар тарғиботи, кўрик-танловлар ўтказиш, анкета-сўровномалар асосида аҳоли қатламлари ичидаги ижтимоий муаммоларни аниқлаш каби шакллардаги тарбиявий тадбирлар тадқиқот мақсадини амалга оширишда самаралар берди.

Оилаларда ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаси ўсмирларда толерантликнинг қуйидаги мезонларини шакллантирилишига қаратилди: оилага муқаддас ва масъулиятли муносабат, оилани эъзозлаш, маънавий баркамоллик, толерантлик асосидаги ахлоқ нормалари, оилада ўзаро муносабатлар ва мулоқот маданияти, ташаббускорлик, фаоллик, ижодкорлик, тиббий ва маънавий соғломлик, жисмоний ва руҳий баркамоллик, етакчилик ва тадбиркорлик, ўзаро муҳаббат, адолат, инсонпарварлик, инсонийлик, тўғрилиқ, камтарлик, самимийлик, ота-онага ҳурмат, меҳр-мурувват, саҳоват, бағрикенглик, садоқат, вафодорлик, гуноҳ ишлардан қочиш, сабр-тоқат, ўз ваъдаси устидан чиқиш, илмли бўлиш, иффат, ростгўйлик, покизалиқ,

ҳалоллик, ҳиммат ва бардошлилик, хушхулқилик, шукр, ҳаё, тежамкорлик, ҳалимлик, виқор, раҳм-шавқат ва шукроналик.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг самарадорлик даражаси”** деб номланади. Унда тажриба-синов ишлари методикаси, натижалари ва унинг самарадорлик даражаси ўз ифодасини топган.

Тажриба-синов ишлари методикаси мақсаднинг педагогик самарадорликка йўналтирилганлиги; тажриба-синов учун педагогик услубларнинг тўғри ва ранг-баранг белгиланганлиги; тажриба-синов ишлари оқибатида маълум белгиланган ижобий натижаларга эришилганлиги; баҳолаш мезонларининг тўғри ишлаб чиқилганлиги; педагогик омиллар асосида шакллантирилди. Тажриба-синов ишларининг бош концепцияси педагогик шароит, усул ва шакллари тўғри аниқлаш ва кенг равишда педагогик жараёнга татбиқ этилишига қаратилди.


Тадқиқот доирасида тажриба-синов ишлари учун танлаб олинган оилалар икки гуруҳга – тажриба гуруҳи ва назорат гуруҳларига бўлинди. Олинган натижалар юқори, ўрта, қуйи даражалар асосида баҳоланди ва Стьюдент-Фишер критерияси бўйича математик-статистик таҳлил этилди. Юқоридаги жадвал натижаларига асосланган ҳолда оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришга доир назорат натижаларини аниқлаш бўйича тажриба бошида ва якунидаги тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришлар статистик таҳлил қилинди (1-жадвал).

1- жадвал


Оилада ўсмирлар толерантлик тафаккурини шакллантиришга доир тажриба бошидаги назорат натижалари

		Респондент-лар сони	Ўзлаштириш даражалари		
			Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба бошида	Тажриба гуруҳи	612	176	196	240
	Назорат гуруҳи	588	171	193	224
Тажриба якунида	Тажриба гуруҳи	612	276	243	93
	Назорат гуруҳи	588	150	246	192

Жадвалдаги кўрсаткичлар асосида уларнинг диаграммаси қуйидаги кўринишни олди:



тажриба бошида



тажриба якунида

3-расм. Оилада ўсмирлар толерантлик тафаккурини шакллантиришга доир тажриба боши ва якунидаги самарадорлик даражаси.

Тажриба якунидаги натижаларга асосланиб Стъюдент мезони асосида математик-статистик таълил қилиниб, топилган натижалардан танланма дисперсия, ўртача квадратик четланиш ва вариация кўрсаткичлари топилди.

2-жадвал

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	S_x^2	S_y^2	V_x	V_y	Δ_m	Δ_n
2,3	1,92	0,51	0,5736	31,3	39,6	0,03	0,04

Натижалардан тажрибадан олдинги ва кейинги кўрсаткичлар учун Нейман ғояси асосида ишончли интерваллар топилди:

$$\bar{X} - t_{кр} \cdot \frac{S_x^2}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{кр} \cdot \frac{S_x^2}{\sqrt{n}} \quad \bar{Y} - t_{кр} \cdot \frac{S_y^2}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{кр} \cdot \frac{S_y^2}{\sqrt{n}}$$

$$2,3 - 0,03 \leq a_x \leq 2,3 + 0,03$$

$$1,92 - 0,04 \leq a_y \leq 1,92 + 0,04$$

$$2,27 \leq a_x \leq 2,33$$

$$1,88 \leq a_y \leq 1,96$$

Шундай қилиб, тажриба-синов ишларининг натижаларига кўра ўтказилган тажрибанинг ҳаққонийлиги келиб чиқди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичлари аниқланди. Бунда $\bar{X}=2,3$; $\bar{Y}=1,92$ $\Delta_m=0,03$; $\Delta_n=0,04$ га тенг. Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{усб} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{2,3 - 0,03}{1,92 + 0,04} = \frac{2,27}{1,96} = 1,16 > 1;$$

$$K_{одб} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n) = (2,3 - 0,03) - (1,92 - 0,04) = 2,27 - 1,88 = 0,39 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Демак, оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришга доир назорат натижаларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканини кўрсатди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Оилада ўсмир ёшдаги болалар толерантлигини шакллантиришнинг маънавий, тарихий, сиёсий, тарбиявий аҳамияти, педагогик жараённинг ўзига хос хусусиятлари, ота-оналарнинг педагог сифатидаги вазифалари кўлами, болалар билан оилада тарбиявий фаолият олиб бориш хусусиятлари, толерантликни шакллантиришнинг метод, шакл ва воситалари, таълим тизими ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

2. Тадқиқотда толерантлик ўсмир ёшдаги болалар тафаккури ва маданиятига тегишли маълум педагогик талабларнинг миллий ва

умумбашарий ахлоқий-эстетик ва ижтимоий қадриятлар асосида шакллантириш жараёни сифатида баҳоланди. Толерантлик кўп қиррали ижтимоий-психологик категория сифатида намоён бўлди.

3. Толерантликка ўсмир ёшдаги болаларни ўргатиш уларни мустақил фикрлашга, бошқалар фикрини диққат билан тинглашга, ўзгалар манфаатларини кўра билишга, жамият ва одамлар ўртасидаги муносабатларни позитив назар билан баҳолашга, ахлоқий ва маънавий талабларга қатъий риоя қилишга ўргатишга тенг келиши аниқланди.

4. Толерантликка қаратилган йўл – бу жиддий эмоционал, интеллектуал, ахлоқий меҳнат эканлиги, инсоннинг ўз ички психологик ҳолатини ўзгартириши, уни қайта қуриши ва ёки янгитдан бунёд этиш жараёни эканлиги аниқланди. Шу билан бирга, замонавий мураккаб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ равишда толерантликнинг мазмуни янги замон билан ҳамнафас тарзда ўзгариб, бойиб ва такомиллашиб бораётганлиги маълум бўлди.

5. Ўсмир ёшдаги болалар толерантлигини шакллантириш жараёнида оилага муқаддас ва масъулиятли муносабат, оилани эъзозлаш, маънавий баркамоллик, толерантлик асосидаги ахлоқ нормалари, ўзаро муносабатлар ва мулоқот маданияти, ташаббускорлик, фаоллик, ижодкорлик, маънавий соғломлик, жисмоний ва руҳий баркамоллик, етакчилик ва тадбиркорлик, ўзаро муҳаббат, адолат, инсонпарварлик, инсонийлик, тўғрилиқ, камтарлик, самимийлик, ота-онага ҳурмат, меҳр-мурувват, саховат, бағрикенглик, садоқат, вафодорлик, гуноҳ ишлардан қочиш, сабр-тоқат, ўз ваъдаси устидан чиқиш, илмли бўлиш, иффат, ростгўйлик, покизалиқ, ҳалоллик, ҳиммат ва бардошлилик, хушхулқилиқ, шукр, ҳаё, тежамкорлик, ҳалимлик, виқор, раҳм-шавқат ва шукроналик каби сифатлар таркиб топди.

6. Оилада толерантликни шакллантириш энг долзарб ва ўзига хос педагогик жараён ҳисобланиб, унинг ўзига хослиги, бир томондан, оиладаги таълим ва тарбия жараёнининг ўзига хос шарт-шароитлари билан белгиланса, иккинчи томондан, таълим берувчи шахснинг, яъни педагог субъекти хусусияти, унинг ота-она, бобо ва бувилар, яқинлар, қариндошлар, ака-укалар билан белгиланиши, уларнинг барчаси - ҳам таълим берувчи, ҳам таълим олувчи сифатида ўзини намоён қилиши, ота-оналарни эса толерантликнинг педагогик мазмуни билан таништириш лозимлиги билан белгиланади.

7. Оила мунтазам тарзда ўзгариб, такомиллашиб боровчи ҳаётий организм ҳисобланиб, нафақат иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитлар таъсирида, шу билан бирга ўз ички ривожланиш қонуниятлари асосида ҳам ўзгариб боради. Шу боис, бугунги кунда, ўзбек оилаларида анънавий бўлган фарзанд кўриш, уни тарбиялаш, кундалиқ муаммоларни ҳал этиш, оила равнақини таъминлаш каби функциялар билан бир қаторда, (1) оила - мустаҳкам “маънавий ва мафкуравий кўрғон”, (2) инсон ўз аслини психологик жиҳатдан кўрсата олувчи макон, (3) инсоннинг ўзлигини топиш жараёни, (4) мураккаб дунё муаммолари ичидаги тинчлик ва осудалиқ соҳили сифатида ҳам амал қилади. Шу нуқтаи назардан, толерантлик мураккаб дунё воқелиги

ичида оилани зиддиятлардан асрагувчи қонунлар мажмуаси сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

8. Оилавий муносабатларда толерантликнинг муҳим хусусиятларидан бўлган ўзгалар манфаатларини англаш, уларни тушуниш, нуктаи-назарларини ўзаро мувофиқлаштириш, томонлар фикрини тинглай олиш каби фикрлар ранг-баранглиги асосида оила этносоциумига алоқадор бўлган хусусиятлар боланинг кенг ижтимоий социумга чиқиши учун асос бўлиши, улар қаторида толерантликнинг аҳамияти ҳам ортиб бориши самарадорлик гаровидир.

9. Оилада ўсмирлар толерантлик тафаккурини шакллантиришга доир фаолият турлари, тарбиянинг шакл, метод ва воситалари хилма-хил бўлиб, бу борада олиб борилган тажриба-синов натижалари тадқиқотнинг самарадорлигини таъминлайди.

ТАВСИЯЛАР

- оилада ўсмир ёшли болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг самарадорлигини таъминлашда ота-оналар учун мустақил таълим тизимини шакллантириш, улар мазмунини янги замонавий билимлар билан бойитиб бориш;

- таълим тизими мазмунини мақсадли равишда толерантлик бўйича барча замонавий билимлар билан такомиллаштириш, ўқув соатлари, ижтимоий предметлар мазмунига янги билим ва малакаларни киритиш;

- оиланинг мактаб ва ННТ тизими билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва мувофиқлаштириш, мактабдан ташқари ижтимоий институтлар фаолиятини, хусусан “Камолот” ЁИХ, “Камалак” болалар ташкилоти, “Болалар” фонди, Соғлом авлод учун, Хотин-қизлар кўмитаси, Маҳалла жамғармаси кабиларнинг иш жараёни ва дастурларини мақсадли равишда оилада толерантлик тафаккурини шакллантириш фаолиятига йўналтириш, ҳамда мувофиқлаштириш;

- ота-оналар ҳамда ўсмир ўқувчиларда толерантлик тафаккурини шакллантиришга доир оммавий ва қизиқарли бадиий адабиётлар шунингдек, кўргазмали материаллар билан таъминлаш оилада ўсмирлар толерантлик тафаккурини шакллантириш самарадорлигини ошириш гаровидир.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Арипова Г. Оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг педагогик асослари. -Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. -128 б.
2. Арипова Г. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқ педагогикасининг роли // Умидли кимёгар-2008. Илмий-техник анжумани мақолалар тўплами. II том. - Тошкент: ТКТИ, 2008. -Б.359-360.
3. Арипова Г. Оила иқтисоди - жамият кўзгуси // Техникавий ва ижтимоий-иқтисодий фанлар соҳаларининг муҳим масалалари. Тошкент Давлат техника университети. Тошкент кимё-технология институти. Республика Олий ўқув юртлараро илмий ишлар тўплами. - Тошкент: ТКТИ, 2009. -Б. 17-19.
4. Арипова Г. Оилада толерантликни шакллантириш // Бошланғич таълим.- Тошкент, 2010.- №11.-Б. 4-5.
5. Арипова Г. Оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантликни шакллантиришнинг самарали шакл ва методлари // Халқ таълими. - Тошкент, 2010. -№ 2.-Б.72-76.
6. Арипова Г. Здоровое религиозное верование и основы толерантности: на примере Узбекистана. // Мир через языки, образование, культуру. VI Международный конгресс. Пятигорский государственный лингвистический университет. 11-15 октября. – Пятигорск: 2010. –С. 94-95. (рус тилида)
7. Arıpo va G. Maveraünnehir Alimlerinin Tıbbi Görüşlerine Dair (Мовароуннахр олимларининг тиббий қарашларига доир) // ULUSLARARASI İSLAM TIP TARİHİ SEMİYESİ KONGRESİ (Халқаро ислом тиббиёти тарихи жамияти конгресси). Ислом тиббиёти тарихи бўйича илмий-амалий конференция материаллари. – Туркия, Истамбул: 2010. –Б. 35. (турк тилида)
8. Арипова Г. Оилада ўсмир ёшдаги болаларнинг толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг педагогик мазмунига доир // Ёшлар соғлом турмуш маданиятини шакллантириш – баркамол авлод пойдевори. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Т.:2010.- Б.161-164.
9. Арипова Г. Болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигининг педагогик шарт-шароитлари // Баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, экологик, валеологик, акмеологик ва иқтисодий масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. -Б. 395-397.
10. Арипова Г. Дифференциация сотрудничества школы, семьи и махалли в формировании толерантности (на примере Узбекистана) // Молодой учёный - Россия, Чита. 2011-Том II -№7 (30). С.71-73.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Арипова Гулнора Шухратуллаевнанинг 13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича “Оилада толерантлик тафаккурини шакллантириш (ўсмир ёшдаги болаларда)” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: оила, ўсмир бола, толерантлик, толерант муносабат, комил инсон, педагогик жараён, толерантликни шакллантириш, маънавият, маданият.

Тадқиқот объекти: оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантириш жараёни.

Ишнинг мақсади: оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг яхлит тизимини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлик даражасини оширишга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар яратиш.

Тадқиқот методлари: илмий-назарий таҳлил, қиёсий таҳлил, педагогик кузатиш, ижтимоий сўров, (сухбат, сўровнома, интервью, тест), моделлаштириш, математик-статистик таҳлил, натижаларни умумлаштириш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантириш муаммоси илмий-педагогик жиҳатдан асосланди. “Оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг педагогик асослари” номли монография нашр қилинди. Оилада ўсмир ёшли болаларда толерантликни шакллантиришнинг тамойиллари, усул, восита ва шакллари белгиланди ва тажриба-синовдан ўтказилди, илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти: оилада ўсмир ёшдаги болаларда толерантлик тафаккурини шакллантириш тушунчасининг илмий таснифи, унинг илмий дефеницияси ишлаб чиқилганлиги ҳамда ўзига хос хусусиятларининг белгиланганлиги, толерантлик ғояларини ёш авлод тафаккурига сингдиришнинг педагогик андозаси, шунингдек метод, шакл ва воситаларнинг аниқланганлиги тадқиқотнинг назарий аҳамиятини ташкил қилади; ишлаб чиқилган тавсиялар ва қарашлар бир қатор ижтимоий-гуманитар фанлар мазмунини такомиллаштириш, жумладан мутасадди ташкилотлар маънавий-маърифий фаолиятини ташкил этишда қўлланилиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари ва хулосалари илмий-методик журналларда чоп этилган мақолалар, илмий конференциялардаги маърузалар ҳамда нашр қилинган монографияда ўз ифодасини топган.

Қўлланилиш соҳаси: ўзбек оилаларида педагогик жараёни уюштириш ва фаоллаштириш, нодавлат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, халқ таълими тизими фаолиятини ривожлантириш ҳамда дарслик ва ўқув қўлланмалари мазмунини бойитишда фойдаланиш мумкин.

Р Е З Ю М Е

диссертации Ариповой Гулноры Шухратуллаевны на тему: **“Формирование толерантного мышления в семье (у детей подросткового возраста)”** на соискание ученой степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.01 – Теория и история педагогики

Ключевые слова: семья, подросток, толерантность, толерантное отношение, совершенный человек, педагогический процесс, формирование толерантности, духовность, культура.

Объект исследования: процесс формирования толерантного мышления у детей подросткового возраста в семье.

Цель работы: разработка целостной системы формирования толерантного мышления у детей подросткового возраста в семье и создание научно методических рекомендаций направленных на повышение ее уровня эффективности.

Методы исследования: научно-теоретический анализ, сравнительный анализ, педагогическое наблюдение, социальный опрос (беседы, опросы, интервью, тесты), моделирование, математико-статистический анализ, обобщение результатов.

Полученные результаты и их новизна: с научно-педагогической стороны обоснована проблема формирования толерантного мышления у детей подросткового возраста в семье. Опубликовано монография “Педагогические основы формирования толерантного мышления у детей подросткового возраста в семье”. Определены принципы, формы, методы и средства формирования толерантности, разработаны научно-методические рекомендации.

Практическая значимость: научная классификация понятия формирования толерантного мышления у детей подросткового возраста в семье, разработка его научной дефиниции и определение особенностей, выявление педагогической модели, а также методов, форм и средств внедрения в сознание молодого поколения идей толерантности образуют теоретическую значимость исследования; разработанные рекомендации и взгляды могут быть применены при совершенствовании содержания ряда общественно-гуманитарных дисциплин, в частности, при организации духовно-просветительской деятельности компетентных организаций.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты и заключения исследования нашли свое отражение в статьях опубликованных в научно-методических журналах, в докладах на научных конференциях, а также изданной монографии.

Область применения: материалы исследования могут быть применены в организации и активизации воспитательной работы в узбекских семьях, в совершенствовании деятельности негосударственных организаций, в развитии системы народного образования, а также обогащении содержания учебников и учебных пособий.

RESUME

Thesis of Aripova Gulnora Shukhratullaevna on the scientific degree competition of the candidate of pedagogical sciences on specialty : 13.00.01 –The theory and history of pedagogy on the subject “**Formation of the Sense of Tolerance in the Family (in teenagers)**”

Key words: family, teenager, tolerance, tolerant attitude, perfect individual, teaching process, formation of tolerance, spirituality, culture.

Subjects of research: process of formation of sense of tolerance in teenagers in the family.

Purpose of work: development of typical system for formation of mentality of tolerance in teenagers in the family and formulation of scientific and methodic recommendations on improving its efficiency.

Methods of research: scientific/theoretical analysis, comparative analysis, pedagogic observation, public survey (conversation, questionnaire, interview, test), modeling, result generalization, mathematical-statistical analysis, summarizing the results.

The results obtained and their novelty: the issue of formation of mentality of tolerance in teenagers in the family has been substantiated from the research and educational aspects. The monograph titled “Educational Principles of Forming the Mentality of Tolerance in Teenagers in the Family” has been published; the principles, methods, means and forms of development of tolerance in teenagers in the family have been worked out and tested, research and methodological recommendations formulated.

Practical value: the scientific classification of the concept of development of the mentality of tolerance in teenagers in the family, development of its scientific definition and identification of its specific features, the pedagogic standard of inculcation of concepts of tolerance into the mentality of the young generation as well as identification of the methods, forms and means constitute the theoretical significance of the research.

Degree of embed and economic affectivity: the research results and summaries have been reflected in articles published in the scientific/methodology journals, lectures at scientific conferences and the published monograph.

Field of application: the materials of research can be applied in organization of educational processes, making them effective in Uzbek families, to improve the performance of a number of nongovernmental organizations, in development of the system of public education, as well as to enrich the content of textbooks and teaching aids.

